



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2014 йил 20 АВГУСТ, ЧОРШАНБА

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАХАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 163 (12.724)

Баҳоси эркин нарҳда

ЎЗАРО ИШОНЧ ВА МАНФААТДОРЛИК — СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИКНИНГ АСОСИЙ ТАМОЙИЛЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпиннинг таклифига биноан 19 август куни давлат ташрифи билан Пекинга келди.

ПЕКИН. 19 август.
ЎзА махсус мухбири Анвар БОБОЕВ хабар қилади.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон — Хитой муносабатлари кенг кўлам касб этиб, стратегик шериклик юксак даражага кўтарилди. Мамлакатларимизнинг миллий манфаатларига, Ўзбекистон ва Хитойнинг иқтисодий тараққиётига, жаҳондаги нуфузи юксалишига хизмат қиладиган бу алоқалар, аввало, Ислон Каримов ва Си Цзиньпин ўртасидаги дўстлик, мустақам ишонч негизда, шунингдек, Дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома ҳамда Икки томонлама стратегик ҳамкорлигини янада чуқурлаштириш ва ривожлантириш ҳақидаги қўшма декларация руҳида тараққий этмоқда.

Бу икки давлат раҳбарлари мунтазам учрашиб, ўзаро муносабатларни янада юқори поғонага кўтаришини янги имкониятларини очиш ва ишга солиш, Ўзбекистон ва Хитойнинг барча соҳалардаги салоҳиятини тўла юзга чиқариш борасида фикр алмашиб келаётганида ҳам аққол намойён бўлмоқда. Хусусан, Президент Ислон Каримовнинг 2012 йил июнь ойида Хитойга ташрифи чоғида ўттиздан ортиқ сармоявий лойиҳани амалга оширишга қаратилган умумий қиймати 5,3 миллиард АҚШ долларига тенг ҳужжатлар имзоланган эди. ХХР Раиси Си Цзиньпиннинг 2013 йил сентябрь ойидаги Ўзбекистонга ташрифи доирасида яна 15 миллиард долларлик лойиҳаларни кўзда тутувчи 31 ҳужжат имзоланди.

Ислон Каримов ва Си Цзиньпин жорий йил май ойида Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгашининг IV саммити доирасида Шанхай шаҳрида ҳам учрашдилар.

Бу галги ташрифнинг асосий воқеалари 19 август куни бўлиб ўтди.

Бутунхитой халқ вакиллари кенгаши саройида Ўзбекистон Республикаси Президентини расмий қутиб олиш маросими ўтказилди.

Шундан сўнг Ислон Каримов ва Си Цзиньпиннинг тор доирадаги учрашуви бошланди. Унда томонлар Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги муносабатларни янада ривожлантириш билан боғлиқ кенг кўламли масалалар, томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро муаммолар юзасидан атрафлича фикр алмашдилар.

Ислон Каримов Ўзбекистон томони Хитой раҳбарияти билан ҳар бир учрашувни юксак қадрлашини, бугунги музокаралар олий даражадаги мулоқотларнинг мантиқий давоми эканини таъкидлади.

Си Цзиньпин Ўзбекистонни Хитойнинг ишончли шериги деб билишини, икки томонлама ҳамкорлик узок мuddатлилик ва ўзаро манфаатдорлик асосида ривожланиётганини қайд этди.

Томонлар ўзаро сиёсий ишончини мустақамлаш, халқаро майдонда бир-бирини қўллаб-қувватлаш ва сазй-ҳаракатларни мувофиқлаштириш ҳамда хавфсизлик соҳасидаги ҳамкорликни давом эттиришга келишиб олди.

ШХТ доирасидаги муносабатлар, ушбу тузилмани ривожлантириш масалалари ҳам кўриб чиқилди.

Давлат раҳбарлари савдо-иқтисодий ва сармоявий алоқалар ўзаро муносабатларнинг муҳим бўғини эканини инобатга олган ҳолда, ишбилармонларнинг бевосита мулоқотларини янада фаоллаштириш, савдо ва инвестицияга оид кўрсаткичларни юксалтириш, энергетика, ноҳомашё, юқори технологиялар, транспорт инфратузилмаларини ривожлантириш соҳаларидаги ҳамкорлик кўламини ошириш масалаларини муҳокама қилдилар.

Ислон Каримов ва Си Цзиньпин музокарани Ўзбекистон ва Хитой расмий делегациялари аъзолари иштирокида давом эттирдилар.

Ўзбек ва хитой халқлари ўртасидаги муносабатлар Буюк Ипак йўли тарихи билан чамбарчас боғланиб кетган бўлиб, миллий қадрият ва аъёналаримиз жаҳон маданиятини ривожлантиришга улкан ҳисса қўшган, савдо алоқаларимиз эса дунё ахлига ўз даврининг ноёб буюмларини тақдим этган. Бугун инсон ҳаётининг эҳтиёжларига айланган чой, пахта, ипак, қоғоз каби махсулотлар уларнинг бир қисми, холос.

Кенгайтирилган таркибдаги музокарада ана шундай узок тарихга эга иқтисодий ва маданий ҳамкорликни ҳозирги замон руҳи ва талаблари асо-

сида янада ривожлантириш масалалари кўриб чиқилди.

Хитой Ўзбекистоннинг энг йирик савдо-иқтисодий ва сармоявий шерикларидан бири эканини қайд этиш жоиз. Хусусан, сўнгги олти йилда мамлакатларимиз ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми қарийб 6 баробар ошди ва 2013 йилда 5,2 миллиард АҚШ долларини ташкил этди. Ўзбекистонда Хитой сармояси иштирокида тузилган 482 корхона фаолият юритмоқда. Уларнинг етмишдан зиёди тўлалигича Хитой инвестициялари ҳисобига ташкил этилган. Юртимизда Хитойнинг 74 компанияси ўз ваколатхонасини очган.

Хитой Ўзбекистоннинг барқарор тараққиёт суръатларини юксак баҳолашини ҳамда юртимизда иқтисодиётнинг янги юқори технологияли тармоқларини яратиш ва ривожлантиришга, саноат корхоналарини модернизациялаш ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашга қаратилган сазй-ҳаракатларни қўллаб-қувватлашини билдирмоқда.

Олий даражадаги келишувларга биноан, 2013 йилда «Жиззах» махсус индустриал зонаси шаклида Ўзбекистон — Хитой юқори технологиялар саноат парки ташкил этилди. Бу ерда мобиль телефонлар, қурилиш материаллари ва бошқа махсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Жорий йилда «Жиззах» махсус индустриал зонасида Хитой компанияларининг қиймати 50 миллион доллардан зиёд тўғридан-тўғри сармояси иштирокида ўн бешдан ортиқ қўшма лойиҳани амалга ошириш кўзда тутилган.

Ҳамкорликнинг кўлами нақадар кенг эканини ёқилги-энергетика мажмуи ҳам аққол намойиш этади. Хитойнинг қатор компаниялари мамлакатимиздаги углеводород конларини кидириш ва қазилар ишларида фаол иштирок этмоқда. Хитой Миллий нефть-газ корпорацияси (CNPC) нафат-газ истеҳсоли углеводород конларини топиш ва ўзлаштириш, балки Муборак газ-кимё мажмуасида табиий газни чуқур қайта ишлаш лойиҳасини амалга оширишда ҳам қатнашмоқда. Икки мамлакат ҳам Хитойга узлуксиз табиий газ етказиб беришни таъминловчи «Марказий Осиё — Хитой» газ қувурини қуриш ва ишга туширишни стратегик муҳим аҳамиятга молик лойиҳа, деб билади.

Ўзбекистон ва Хитой ўртасида энг қисқа темир йўл тармоғини барпо этиш ҳам иқтисодий ҳамкорликнинг стратегик йўналишларидандир. Бу Хитойнинг Марказий Осиё мамлакатларига, ундан кейин Жанубий Осиёга чиқишини таъминлайди. Ўзбекистон Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон темир йўли қурилишини қўллаб-қувватлайди. Мазкур йўналиш 124 километрлик электрлаштирилган Ангрэн — Поп темир йўли қурилиши лойиҳасини ўз ичига олган. 2013 йилда «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик темир йўл компанияси ва Хитойнинг China Railway Tunnel Group компанияси ўртасида Қамчиқ доводидан туннель орқали ўтадиган «Ангрэн — Поп» темир йўли лойиҳасини қуриш бўйича умумий қиймати 455 миллион долларлик шартнома имзоланиши билан хитойлик ҳамкорлар иштирокида бу борадаги ишлар бошлаб юборилди. Лойиҳа 19 километрлик темир йўл туннели қуришни кўзда туттади. Айни пайтда линиянинг 60 километрдан кўпроқ қисми қуриб битказилган.

Молиявий соҳадаги ҳамкорлик фаол ривожланмоқда. Хитой Давлат тараққиёт банки ва Эксим-банк сингари молия институтларининг жами кредитлари ҳажми 4,5 миллиард доллардан ошади. Улар соғлиқни сақлаш, таълим, энергетика, транспорт ва телекоммуникация соҳаларида йўналтирилган.

Мамлакатларимиз ўртасида маданият, фан ва техника соҳаларидаги ҳамкорлик ҳам изчил ривожланмоқда. 2003 йилда Хитойнинг Чанчунь шаҳрида ўтган VI жаҳон ҳайкалтарошлари форуми доирасида буюк миниатюрachi Камолитдин Бехзод ҳайкали очилди.

Ўзаро маданий-гуманитар муносабатларни мустақамлашда «Ўзбекистон — Хитой» ва «Хитой Халқ Республикаси — Марказий Осиё мамлакатлари» дўстлик жамиятлари муҳим аҳамият касб этмоқда.

2013 йил 15 май куни Шанхай университети ҳузуридаги ШХТ Жамоат дипломатияси илмий

тадқиқот институтида Ўзбекистон тадқиқотлари ва таълим алмашувлари маркази очилди.

2011 йилда Пекин ва Сиань шаҳарларида Ўзбекистон маданияти ҳафталиги, 2012 йилда Тошкент ва Самарқандда Хитой маданияти ҳафталиги ўтказилди. 2013 йилда Хитойнинг бир қатор йирик шаҳарларида «Ўзбекистоннинг таълиқли рассомлари асарлари» бадий кўргазмаси ташкил этилди.

Мамлакатларимиз маданият ва санъат намо-яндалари Ўзбекистон ва Хитойда ўтадиган барча йирик маданий тадбирларнинг доимий иштирокчиларидир. Хусусан, Хитой санъаткорлари ҳар икки йилда Самарқандда ўтадиган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалида мунтазам ва фаол қатнашиб келмоқда.

Таълим соҳасида ҳукуматлар ва идоралараро, жумладан, ўзбек ва хитой тилларини ўрганиш доирасида талаба ва стажёрлар алмашиш тобора кўпаймоқда. Тошкентдаги Конфуций номидаги институтида ҳар йили 350 дан зиёд тингловчи сабоқ олади. 2010 йилнинг июнь ойида Хитой миллатлар марказий университети рус тили ва Марказий Осиё халқлари тиллари факультетида ўзбек тили бўлими очилди. 2012-2013 ўқув йилидан бошлаб Пекин чет тиллар университетида ўзбек тили ўқитилиши йўлга қўйилди.

Икки томонлама келишувга мувофиқ ва ШХТ доирасида ХХР ҳукумати 2013-2014 ўқув йилида Ўзбекистонлик 120 талаба ва стажёрга грант ажратди. Конфуций номидаги институт орқали Ланчжоу университетида Ўзбекистонлик етмишга яқин талаба таъсил олмоқда.

Самарқанд шаҳрида Конфуций институтини ташкил этиш бўйича ўтган йили имзоланган ҳамкорлик тўғрисидаги битим таълим соҳасидаги ўзаро ҳамкорлигини янада фаоллаштиришга хизмат қилади.

Томонлар туризм соҳасидаги ҳамкорликка алоҳида эътибор қаратмоқда. 2010 йилдан Ўзбекистон Республикасига хитойлик сайёҳларнинг гуруҳ-гуруҳ бўлиб саёҳат қиладиган туристик мамлакат макomini бериш жараёни бошланди. Мамлакатимизнинг туризм соҳасидаги салоҳияти «China Outbound Travel & Tourism Market-2013» (апрель, Пекин) ҳамда «WTF — 2013» (май, Шанхай) халқаро профессионал туризм ярмаркаларида кенг намойиш этилди.

Тошкент ва Шанхай, Самарқанд ва Сиань, Навоий ва Чунжоу шаҳарлари, Тошкент вилояти ва Хунан провинцияси, Самарқанд вилояти ва Шаньси провинцияси ўртасида биродарлик алоқалари ўрнатилганини ҳам таъкидлаш жоиз.

Музокаралар якунида Ислон Каримов ва Си Цзиньпин Ўзбекистон Республикаси билан Хитой Халқ Республикаси ўртасидаги Қўшма декларацияни имзоладилар. Шунингдек, мамлакатларимиз ўртасида техникавий-иқтисодий, энергетика, юқори технологиялар, банк-молия каби соҳалардаги ҳамкорлигини янада ривожлантиришга қаратилган қатор ҳужжатлар имзоланди. 2014-2018 йилларга мўлжалланган Стратегик шериклик муносабатларини ривожлантириш дастури қабул қилинди.

Оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда Ислон Каримов ва Си Цзиньпин бўлиб ўтган музокаралар ўзаро ҳурмат, ишонч ва манфаатдорлик руҳида ўтганини, муҳокама қилинган масалалар бўйича томонларнинг ёндашув ва қарашлари ўхшаш ва яқинлигини таъкидладилар. Эришилган келишувлар Ўзбекистон — Хитой муносабатларини янада ривожлантириш ва икки мамлакат халқларининг фаровонлигини юксалтиришга хизмат қилиши алоҳида қайд этилди.

Томонлар ушбу ташриф Ўзбекистон — Хитой муносабатлари тарихидан яна бир муҳим босқич сифатида жой олишини таъкидлар экан, олий даражадаги мулоқотларни изчил давом эттиришга, иқтисодиёт, энергетика, молия, сармоя, юқори технологиялар каби соҳалардаги ҳамкорлигини янада фаоллаштиришга, гуманитар алоқаларни кенгайтиришга, ўзаро товар айирбошлаш ҳажмини оширишга тайёр эканини билдирдилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг Хитой Халқ Республикасига давлат ташрифи давом этмоқда.

(ЎзА)



МАМЛАКАТИМИЗДА

• Тошкент вилоятининг Бўстонлик туманидаги «Куёшли» оромгоҳида «Келажакимиз бунёдкорлари» ёш тадбиркорлар форуми ва «Ишбилармон талаба — 2014» кўрик-танловининг мамлакат босқичи бўлиб ўтди. У Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси томонидан ташкил этилди. Тадбир доирасида ёш тадбиркорлар форуми ўтказилиб, унда ёшлар томонидан ишлаб чиқарилган махсулотлар кўргазмаси ташкил этилди.

• Бухоро шаҳрида анъанавий «Қовун сайли» бўлиб ўтди. 1996 йилдан буён ташкил этиб келинаётган «Қовун сайли»нинг бу галгисида бир юз ўттизта фермер хўжалиги далаларида етиштирилган «Бўриқалла», «Баргинай», «Гулоби», «Шерози», «Амири», «Кўкча» каби ўттиз икки навадаги тилими тилни ёрадиган қовунлар намоиш этилди. Кўрик-танлов мақомига эга ушбу тадбирда кўллаб хорижлик сайёҳлар ҳам иштирок этди.

• Гулистонда «Отан, онам ва мен — спортчи оила» спорт мусобақасининг минтақавий босқичи бўлиб ўтди. Унда Тошкент, Сирдарё ва Жиззах вилоятлари ҳамда пойтахтлик спортчи оилалар вакиллари иштирок этди.

• Қорақалпоғистон Республикаси Эллиқалъа туманида «Bo'ston trans servis» масъулияти чекланган жамиятининг замонавий ва кўркам биноси фойдаланишга топширилди. Қисқа фурсатда бу ерда 130 миллион сўмлик қурилиш ишлари бажарилиб, маъмурий бино, махсус гараж, ҳайдовчилар дам оладиган хоналар бунёд этилди. Яратилган қулайликлар билан бирга, қўшимча бешта иш ўрни ҳам ташкил этилиб, уларга касб-хунар коллежини битирган ёшлар қабул қилинди.

• Гулистон шаҳрида «Футболимиз келажаги» анъанавий республика мусобақалари минтақавий босқичининг «Г» гуруҳи ўйинлари якунланди. Унда Тошкент шаҳри, Сирдарё, Жиззах, Тошкент вилоятларидан 9 ёшдан 14 ёшгача бўлган ўсмирлар иштирок этишди.

ЖАҲОНДА

• Жорий йилнинг иккинчи чорагида дунё бўйича 301,3 миллион донa смартфон сотилган. Бу 2013 йилнинг шу даврига нисбатан 25 фоиз қўлди. Харидорлар асосан «Android» ва «IOS» операцион тизими асосида ишловчи қурилмаларга қизиқиш билдиришган. Мутахассисларнинг таъкидлашича, бундай кўрсаткич қайд этилишининг асосий сабабларидан бири нархларнинг миқдорларга маъқул даражада белгиланганлигидир.

• Мамлакат маъмурларининг билдиришларича, Нигерияда Эбола безгаги билан касалланган тўрт нафар одам тўлиқ даволаниб, касалхонадан чиққан.

• Япония ва АҚШ олимлари дунёдаги энг тезкор фотокамерани ихтиро қилишди. Унда олимлар сўнгги пайтларда оммалашаётган фимто-фотография усулидан фойдаланишди. Тасвирга олиш учун фимтоақликалик лазер ишлатилади. Мутахассисларнинг таъкидлашича, янги камерада бир сонияда 4,4 триллион кадрни суратга олиш имкони мавжуд. Суратлар ҳажми 450х450 пикселни ташкил этади.

ҚИСҚА САТРАДАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **БУГУН** Учтепа туманидаги «Қўрқамбод» маҳалласида Муста-

қиллигимизнинг 23 йиллигига бағишланган «Ватан муқаддасдир — Ватан ягона» мавзuida давра суҳбати бўлиб ўтди.

✓ **БУГУН** Мирзо Улуғбек номи маданият ва истироҳат боғида

«Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!» шиори остида «Қамолот» ЁИХ Юнусобод туман Кенгаши қошидаги «Ёшлар ижтимоий хизматлари маркази»да таҳсил

олаётган иқтидорли ёшларнинг тақдимот маросими ташкил этилди.

✓ **КЕЧА** Тошкент Фотосуратлар уйида ижодий фото мактаб-студияси битирувчиларининг 16-ҳисобот кўргазмаси ўтказилди.



Нанкин — 2014

ОЛИМПИАДАЧИЛАРИМИЗНИНГ
ДАСТАЛБКИ МЕДАЛЛАРИ

Хитойнинг Нанкин шаҳрида бошланган ўсмирлар ўртасидаги II Олимпия ўйинларида ўзбекистонлик ёш спортчилар дастлабки медалларни қўлга киритди.

Дунёнинг 200 дан ортиқ давлатидан 4 мингга яқин спортчи иштирок этаётган нуфузли мусобақада 28 нафар олимпиячимиз спортнинг 14 тури бўйича ўтказилган баҳсларда Ватанимиз шарафини ҳимоя қилмоқда.

Ўсмирлар Олимпиадасининг дзюдо бўйича вазни 66 килограммгача бўлган полвонлар беллашувида қатнашган Сухроб Турсунов болгариялик Стоян Тарапановни, беларуслик Дмитрий Минкоуни, арманистонлик Харутюн Дермисияни ва Коста-Рика вакили Хулиан Санчони мағлубиятга учратиб, бронза медалга сазовор бўлди.

Оғир атлетика бўйича вазни 56 килограммгача бўлган спортчилар ўртасида Адхамжон Эргашев шохсупанинг учинчи поғонасидан жой олди. У шлангани даст кўтаришда 110, силтаб кўтаришда 133, иккикураш бўйича 243 килограмм натижа қайд этди, II ўсмирлар Олимпиадасининг бронза медали билан тақдирланди.

**Б.АЙТУРДОВ,
ЎЗА МУХБИРИ**

ЁШ АВЛОД ДОИМИЙ
ЭЪТИБОРДА

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан «Соғлом бола йили» Давлат дастури ижроси ҳамда Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Қарорида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида кўплаб тадбирлар ташкил этилмоқда.

Тошкент вилояти Бўстонлик туманида жойлашган 30-Меҳрибонлик уйига қарашли «Нур» болалар дам олиш оромгоҳида «Ёшлар «Камолот» билан» лойиҳаси доирасида «Дунё болалар кўзи билан» шиори остидаги байрам дастури ҳам айнан шу мақсадда ўтказилди. Тадбир «Камолот» ЁИХ Ҳамза туман Кенгаши, туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш, Маънавий тарғибот маркази туман бўлими, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди туман бўлими ҳамда Ҳамза тумани «Баркамол авлод» болалар маркази томонидан ташкил этилди.

Айтиш жоизки, тадбир давомида масканда дам олаётган болаларга байрамона кайфият улаштириш мақсадида турли спорт мусобақалари уюштирилди.

Ҳар доим ёш авлодга эътибор қаратишимиз, вақт ажратишимиз лозим, — дейди «Камолот» ЁИХ Ҳамза туман Кенгаши раиси Бехзод Дадажонов. — Айниқса, ижтимоий ҳимояга муҳтож, ота-она меҳридан маҳрум болалар билан кўпроқ ишлашимиз, улар учун турли тадбирлар ўтказишимиз ҳамда ўсиб келаётган авлоднинг камолоти учун астойдил жон куйдиришимиз керак.

Болажонлар ўртасида футбол, волейбол ва стол тенниси бўйича мусобақалар бўлиб ўтди. Мусобақалар якунида иштирокчиларга совғалар ва факрий ёрликлар берилди.

«Баркамол авлод» болалар маркази ҳамда «Камолот» фаоллари билан биргаликда концерт дастури ва кизикарли ўйинлар ташкил қилинди. Театр ва кино актёрларининг иштироки болажонларга янада манзур бўлди.

**Анатолий КЕЧИН,
«Камолот» ЁИХ Тошкент шаҳар
Кенгаши аъзоси**

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Яқсарой тумани тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш бошқармаси томонидан 11.01.2011 йил №005741-11 рўйхатдан ўтган Яқсарой тумани, Қўшбеги кўчаси, 24-уйда жойлашган «IKROM ISMOIL TAOM» МЧЖ (ИНН 301795459) тугатилди.

Давволар эълон чоп этилган кундан бошлаб, икки ой давомида Қўшбеги кўчаси, 24-уй манзили бўйича қабул қилинади.

Телефонлар: (+99890)346-59-67, (+99893) 208-11-11



ЎЗГИДРОМЕТ

ХАБАР ҚИЛАДИ

Тошкент шаҳрида

21 август кунини ҳаво ўзга-

риб туради, ёғингарчилик

бўлмайд. Шарқдан секун-

дига 3-8 метр тезликда

шамол эсади. Ҳарорат ке-

часи — 18-20, кундузи —

миқдори паст бўлади.

37-39 даража иссиқ бўлади.

Ўзгидрометнинг

мониторинг хизмати

маълумотига кўра,

21 ва 22 август эр-

таб Тошкент шаҳрининг

об-ҳаво шароити шаҳар

ҳаво муҳитида зарарли мод-

даларнинг бир оз йиғилиши

га имконият яратди, таг-

часи — 18-20, кундузи —

миқдори паст бўлади.

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида Мустақиллигимизнинг 23 йиллигига бағишлаб «Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!» шиори остида маърифий-маданий тадбир бўлиб ўтди.

ИСТИҚЛОЛ НАШИДАСИ



— Ўртимизда ёшларнинг замон талаблари даражасида таълим-тарбия олиши, спорт билан шуғулланиши, саломатлигини мустаҳкамлаши, ўз кучи, билим ва салоҳиятини намоён этиши учун барча шароитлар яратилмоқда, — дейди Тошкент Тўқимачилик ва ёнгил саноат институти «Камолот» ЁИХ бошланғич ташкилоти етакчиси Анвар Аъзамов. — Яратилган имкониятлардан оқилона фойдаланиб, ўртимизнинг мустақиллигини мустаҳкамлашга, унинг гуллаб-яшнаши йўлида бор кучимизни сарф этишга ваъда берамиз.

Тадбирда «Ifat kelin» ўқув марказида таҳсил олаётган ёшларнинг миллий хунармандчилигимиз сирларини пухта ўрганиб, ўз қобилиятларини намоён эта-

Мустақиллигимизнинг 23 йиллиги байрами арафасида турли хил спорт мусобақалари, футбол ўйинлари ўтказиб келинмоқда. Бектемир тумани ҳокимлиги томонидан футбол бўйича ҳар йили анъанавий тарзда ўтказилаётган «Ҳоким кубоги — 2014» мусобақаси ҳам айнан энг улуғ, энг азиз шодиёна арафасида ташкил этилди.

ҚИЗИҚАРЛИ БЕЛЛАШУВЛАРГА
БОЙ МУСОБАҚА

Бу йил ўнинчи мартаба ўтказилган мусобақада туман ҳокимлиги, тумандаги ҳуқуқ-тартибот идоралари, ИИБ, ДСИ, суд тизими ходимлари, «Сувмаш» ва «Бектемир спирт экспериментал заводи» очик акциядорлик жамиятлари, «Қулов механика заводи» ШКларидан иборат жами 28 та жамоа иштирок этди.

Ўн кун мобайнида мусобақа 7 та гуруҳга 4 та жамоадан бўлинган ҳолда ўтказилиб, улардан ғолиб жамоалар ўзаро беллашиб, кейинги босқичга йўлланма олдилар.

Ярим финалда тўртта жамоа яшил май-донда куч синашиб, ғолиблар финал йўлланмаларини қўлга киритди.

— Мусобақа «Соғлом бола йили» Давлат дастурида белгиланган вазифалар ҳамда Бектемир туман ҳокимининг жорий йилнинг 28 февралдаги қарори ижросини таъминлаш мақсадида ўтказилди, — дейди Бектемир тумани ҳокимининг ижтимоий-иқтисодий масалалари бўйича ўринбосари Абдухалил Ерматов. — Асосий эътибор туман ҳудудидаги аҳолининг жисмонан бақувват, баркамол ва соғлом бўлиши, спорт билан шуғулланиши, соғлом турмуш тарзига амал қилишига қаратилди. Ўйлаймизки, бу каби спорт тадбирлари оилалар, корхона-ташкilotларда соғлом муҳитни қарор топтиришга хизмат қилади.



Мурасиз кечган мусобақа натижаларига кўра биринчи ўринни «Тошкент қишлоқ хўжалик маҳсулотлари улгуржи бозори» ОАЖ жамоаси қўлга киритган бўлса, иккинчи ва учинчи ўринларни туман электр тармоқлари ва туман Ички ишлар бўлими ходимларидан иборат жамоалар эгаллади.

— Мазкур мусобақада ғолиблиқни қўлга киритишимиз осон кечмади, — дейди «Тошкент қишлоқ хўжалик маҳсулотлари улгуржи бозори» ОАЖ директори ўринбосари Фуқрат Иноғамов. — Турнирнинг ўн йиллик юбилейида ғолиб бўлганимиз бу бизнинг жамоага қўшалоқ байрам бўлди.

Спорт тадбирининг якунида Бектемир туман ҳокимлиги томонидан ғолиб ва совриндорларга эсдалик совғалари топширилди.

**Зафар НАЗАРОВ
Ислом Исмоилов олган суратлар**

Теннис

МАҲОРАТ МАКТАБИ

Мустақиллик йилларида спортга, айниқса, баркамол авлодни камол топтириш йўлида, болалар ва аёллар спортига катта эътибор қаратиб келинмоқда.

Хусусан, 2014 йилнинг «Соғлом бола йили» деб эълон қилинишидан кўзланган мақсад ҳам соғлом авлодни вожага етказиш борасидаги ислохотларни оқсак босқичга кўтариш, соғлом турмуш тарзини тарғибот қилишдан иборатдир. Сўнгги йилларда мамлакатимизда кўплаб янги, замонавий спорт мажмуалари, спорт заллари, сув иншоотлари ва футбол майдончалари ҳам мана шу хайрли мақсадлар йўлида қад ростлаб, спортсевар ёшларга хизмат кўрсатмоқда. Яратилган шарт-шароит ва эътибор туфайли спортга кизикши сезиларли тарзда орди, спортнинг турли йўналишлари бўйича истеъдод ва иқтидор соҳиблари кашф этилди.

Ўз қошида 450 га яқин теннисчиларни қамраб олган Ҳамза туманида

жойлашган «Авиасозлар» спорт мажмуаси ҳам 2005 йилда тўлиқ таъмирдан чиқарилиб, фаолият юритиб келмоқда. Мажмуанинг ёзги ҳамда қишқи теннис майдонлари ҳамда спортнинг ушбу турига меҳр қўйган ёшлар билан гавжум. Асосан, 10-12 ёшдаги болалардан ташкил топган гуруҳларда В. Мирсағатов, Х. Абдураимов, Р. Исмоилов каби ўз касбига меҳр қўйган мураббийлар томонидан ҳар кун машғулотлар олиб борилади. Тажрибали ва талабчан мураббийлар келажакда клубдан нафақат яхши, балки профессионал теннисчилар етишиб чиқиши учун болалар билан астойдил шуғулланишмоқда.

Натижалар яхши, шогирдлар турли мусобақаларда қатнашиб, фахрли ўринларни эгал-

лаб, устозлари сабоғини оқламоқдалар. Масалан, яқинда теннис бўйича ўтказилган «Кичкинтой — 2014» Тошкент шаҳар турнирида айнан мана шу мажмуа тарбияланувчилари Муҳаммадмин Анвархон ўғли ва Абдуллох Тошмирзаевлар фахрли I, III ўринларни қўлга киритишди.

— Бизларнинг кичкинтой шогирдларимиз энг ёш спортчилар ўртасида ўтказилган турнирда фақат ўз тенгдошлари эмас, балки катта ёшли болалар билан ҳам куч синашиб, катта ютуқларни қўлга киритиб ўзларига билдирилган ишончни оқлашди, — дейди спорт мажмуаси раҳбари ҳамда мураббий В. Мирсағатов. — Келажакда ёш теннисчиларимиз халқаро майдонларда ўтказиладиган мусобақаларда қатнашиб, юртимиз байроғини баланд кўтаришди деб ният қиламиз.

**Зарнигор САЙДАМОНОВА,
Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультети талабаси**

Тошкент Оқшом

Манзилимиз: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: 233-28-95,
факс: (371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рухсатга олинган

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимига ёки «Тошкент почта»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ



Бизнинг электрон манзил:
gazeta-vto@mail.uz

Буюртма Г- 855

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
6527 нусхада босилди.
Қўғоз бичими А-2

Топшириш вақти: 13.00

Нашр учун масъул
Д. Исроилов

Босишга топширилди: 15.00

«Шарқ» нашрият-матбаа акциядорлик
компанияси босмаҳонаси. Корхона
манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бosh муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ